Мусулмонлар орасида минг уч юз йилдан бери ота-боболаридан мерос колиб келган жуда кўркунчлик юкма касал хукм суриб келаётибдирким, ул хам хотунжаллобликдир. Бу касал, кулгуна ва кайсари нохунадан хам ёмонрок бўлиб, саноксиз хотун-кизларимизни бахти каро килди. Хадсиз сингил-опаларимизни тириклай кора тупрокка топшириб келди.

Таг-тагини суриштириб келсангиз, бу юкма касал бизга йўксул оталаримиздан эмас, балки кўзи чиккур амир ва хонларимиздан, корни ёрилгур мулла ва бойларимиздан юкуб келгандир. Муллаларимиз фатвои шаръий бердилар. Подшох ва шаханшохларимиз ўзларининг ўрдаларини жориялари билан тўлдурдилар. Диндор уламоларимиз «Мухаммад уммати кўпайсун» деб далолати хайрда бўлдилар. Бой ва сарватдорларимиз хотунни кўпайтириб, шариат юзасидан тўртдан ошугини сўфи килиб кўйдилар...

Мана, бизнинг хакпараст мусулмонларимиз орасида бирдан ошик хотун олиш шу йўсинда бошланиб, шу равишда давом этди. Гўр-багўр кетгур ота-боболаримиздан шу тарикада бизга мерос колиб келди.

Энди опа-сингилларимизнинг хукукини поймол киладургон ва уларнинг бахтини ўйунчок килгон хотунжаллобларимизнинг ички-оилавий турмушларига бир кўз солайлик. Кани, булар ўз хотунларига кандай муомала киладир-лар ва нечук кайф сурадирлар?

Бирдан ортик хотун олгон кишининг тирикчилиги, айш-ишрати жуда кизикдир. Бошлаб шуни айтиб берайликким, бундай уйда ишк-мухаббат, садокат ва тўгрилик деган нарса сира бўлмас. Сиз хар кун тўй-томошага бораман десангиз, тўп-тўгри икки хотунлик ўртогингизнинг уйига боринг. Тиётрларда, сиркларда кўрмаган ажойиб томошани шунда кўрасиз. Хотунлардан бири «фолоний» деб чакирса, бошкаси «домона» деб жавоб берадир. Бундай уйда хар вакт ош деб тошни едиралар. Кош тузатаман деб кўзни чикарадирлар... Бириси эшикдан караса, униси тешикдан карайдир. Буларнинг ўртасида кунда неча катла милла узуш, ёка йиртиш хам вокеъ бўлиб турадир...

Мудохона ва мунофиклик илмини хатм килгон эр ўз хотунларини, бир томондан, турлик галати нарсалар билан, бошка томондан, «камчи» сиёсати билан унча-мунча алдаб турса хам, лекин бу алдашлар кўб вакт давом этмас. Охири, ё эр хотундан безор бўлиб уни хайдайдир ёки хотун ажралиб ўзини куткарадир... Шундай бўлмагонда икковидан бири

албатта сил бўлиб ўладир...

Шуни хам айтиб ўтиш керакким, икки хотунлик оилаларнинг эрлари кўпинча даюсмизож ва хунаса афт бўлиб, хотунлари хам бир мунча сатангтабиат ва олифтахўй бўладирлар... Биз хотунларнинг бу айб ва гунохини хамиятсиз эрларнинг бўйнига кўямиз. Чунки бу ишларнинг бош сабаби хам шулардир.

*Мулла Жунбул*

*«Машраб», 1924 йил, 7 - сон*